

Фақиҳ ўғри

05:00 / 11.03.2017 4693

Аҳмад ибн Маъдал ҳикоя қилади: “Мен Абдулмалик ибн Абдулазизнинг олдида ўтирган эдим. Тўсатдан бир киши келиб “Мўъжиза!” деб жар солди. Абдулмалик “Қандай мўъжиза?” деб сўради. Ҳалиги одам: “Шаҳар ташқарисидаги боғимга кетаётган эдим. Уйимдан анча узоқлашиб, кимсасиз саҳрога етганимда бир киши йўлимни тўсди-да, менга: “Кўйлакни еч!” деди. Мен: “Нега ечаман?” деб сўрадим. “Бу кўйлакка сендан кўра мен ҳақлиман” деб жавоб берди. “Қанақасига сен ҳақлисан?” дедим ҳайрон бўлиб. “Чунки мен сенинг диндош биродарингман. Яланғочман. Сени эса кийиминг бор. Истасам бир зумда шу кўйлак меники бўлиши мумкин. Мен ҳам сенга ўхшаб шу кўйлакни кийишни истайман” деди. Мен: “Мени яланғоч қолдириб, авратларимни кўрсатиб қўйиб кейин киймоқчимисан?” деб сўрадим. У: “Зарари йўқ. Моликдан ривоят қилинишича, “Киши яланғоч ҳолда ғул қилишининг зарари йўқ” дейилган” деди. “Одамлар менга йўлиқиб қолиб, авратимни кўришса нима бўлади?” деб сўрадим. Шунда у: “Агар бу йўлда одамлар сени кўриш эҳтимоли бўлганида мен сенинг йўлингни тўсмаган бўлардим” деб жавоб берди. Мен унга: “Сен жуда ақлли экансан. Менга бир оз муҳлат бер. Боғимга кириб олай. Кейин кўйлагимни ечиб сенга узатаман” дедим. У: “Йўқ! Сен боғингга кириб, тўртта қулингни олиб чиқиб, мени боғлатиб, султонни олдига олиб бормоқчисан. Кейин султон мени ҳибс қилиб, дарра уриб, баданимни илматешик қилиб юборсин, оёқ-қўлларимга кишан солсин-а?!” деди. Мен унга: “Йўқ! Ундай эмас! Сенга берган ваъдамни бажаришга ва ёмонлик қилмасликка қасам ичаман” дедим. У: “Йўқ! Моликдан ривоят қилинишича, “Ўғрилар учун ичилган қасамларни риоясини қилиш лозим эмас” дейилган” деди. Мен: “Сен учун ичган қасамимга содиқ қоламан” дедим. У: “Бу қасам ўғриларга ичиладиган қасамлар туркумига киради” деди. Мен унга: “Ўзаро мунозарани бас қилайлик. Аллоҳга қасамки, ушбу кийимимни чин кўнглимдан сенга бермоқчиман” дедим. У бошини пастга эгиб, жим туриб қолди. Кейин бошини кўтарди ва: “Ҳозир нима ҳақида ўйлаганимни биласанми?” деди. Мен: “Йўқ” дедим. Шунда у: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларидан то бизнинг давримизгача ўтган барча ўғриларнинг ишини кўздан кечириб, бирма бир кўриб чиқдим. Қарасам, бирорта ўғри насияга кўнмаган экан. Мен ислом динида янги бидъат пайдо қилиб, яъни насияга рози бўлиб, бунинг натижасида бидъатнинг ва мандан

кейин қиёматгача унга амал қилганларнинг гуноҳларига кўмилишни истамайман. Қани, тез кийимни еч!” деди. Мен ноилож кийимни ечиб унга бердим”.

Ҳоний Ҳожининг “Солиҳлар ҳаётидан минг бир қисса”

китобидан Нозимжон Ҳошимжон таржимаси